

kun ichida¹.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Жасур, Н. Е. Ё. М. А. Т. О. В., and Феруза СИДИКОВА. "ЖИНОЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ЖАРАЁНИДА СЎРОҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ." ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ 1.1 (2020): 95-103.

А.К.БЕРМАХАНОВА^{241 242}, Д.Ж. СУЮНОВА²⁴³

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ИШЛАРНИ
КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Жамият ва давлат манфаатлари жиноят ишлари буйича суднинг ҳар бир ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлишини тақоза этади. Ушбу мақсадларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси суд тизимида суд жараёни биринчи инстанция, апелляция ва кассация судлари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда кассация жиноят иши судлови жараёнида суд қарорлари устидан шикоят қилиш шаклларида бири бўлиб, юқори турувчи судлар томонидан қуйи судлар фаолиятида йўл қўйилган хатоликларни тuzатиш воситаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида кассация тартибида иш юритиш ўз навбатида апелляция тартибида иш юритишнинг узвий давоми ҳисобланиб, суд хатоларни аниқлаш ва тuzатиш, адолатни тиклаш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, давлатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган судлов босқичи ҳисобланади.

²⁴¹ http://search.ligazakon.ua/l_doc2.nsf/link1/T124651.html

²⁴² Тошкент давлат юридик университети магистранти

²⁴³ Тошкент давлат юридик университетининг Жиноят- процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

«Кассация» тушунчасига турли хил адабиётларда ҳар хил атамада қулланилади французчадан таржийма қилинганда луғавий маъноси, суд қарорини «синдириш», яъни бекор қилиш, деган маънони англатади.

Кассация тартибида иш юритиш - юқори турувчи судларнинг қўйи турувчи судлар устидан назоратни амалга ошириш воситаси, йўл қўйилган хатоликларни тезда тузатиш, судлов иши сифатини ошириш ва дастлабки суриштирувни такомиллаштириш воситасидир²⁴⁴.

Жинойт-процессуал соҳаси фани арбобларининг нуқтаи назарларига кўра, кассация инстанцияси суди ҳукмнинг қонунийлиги тўғрисидаги ўз қарорини жиноят ишининг тақдим этилган материалларини ўрганиш натижалари билан асослаши керак. Жиноят иши кассация тартибида фақатгина моддий ва процессуал қонуннинг тўғри қўлланган-қўлланмаганлиги масаласигина ўрганилади. Бунда кассация суди ишни қарорнинг моҳиятига кўра, яъни, ишнинг фактик ҳолатлари исботланганлиги ёки исботланмаганлиги нуқтаи назаридан эмас, судловда иш юритиш процедураларига риоя қилинган-қилинмаганлиги ва суд томонидан аниқланган фактларга нисбатан қонун тўғри қўлланган - қўлланилмаганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Ушбу босқич ишда иштирок этувчи шахсларнинг шикояти ёки прокурорнинг протести туфайли биринчи инстанция суди чиқарган қарор ва ажримларни текширишга қаратилган процессуал ҳатти-ҳаракатларни қамраб олади. ЖПКнинг 498-моддасига кўра:

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари, ажримлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг қарорлари ушбу Кодекснинг 497-19-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра **такроран кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.**

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида такроран кўриш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг илгари мазкур ишни кўришда иштирок этмаган беш нафар судьясидан иборат таркибда амалга оширилади.

²⁴⁴ Уголовный процесс: Учебник./ Под ред. В.П.Божьева. - М.: Спарк, 2002. - С. 512.

Кассация инстанцияси суди ишни такроран кўриб чиқишда:

1) кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилишга ёки ўзгартиришга;

2) биринчи, апелляция инстанциялари судининг ҳукмини, ажримини ўз кучида қолдиришга ёки ўзгартиришга; апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини бекор қилишга ва ишни апелляция тартибида янгидан кўриш учун юборишга;

3) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилишга ва ишни тугатишга ҳақлидир.

Айнан ушбу масала озгина фикр юритишни талаб қилади, сабаби ҳозирги кунда такрорий кассация ўзининг самарали натижасини бермаяпти, бунинг сабаби такрорий кассацияда аввалги кассацияда кўрилган, айнан ўша иш курилаяпти. Бу ўз навбатида иш сифатига ва натижасига таъсир қилади, гарчи иш бошқа судьялар таркибида кўрилаяпти бўлса ҳам.

Аввал мавжуд бўлган қонунчиликка кўра, кассация босқичи фақат апелляция инстанциясида кўриб чиқилмаган қонуний кучга кирган қарор ва ҳукмларни қайта кўриб чиқар эди. Апелляция тартибида куриб чиқилган иш кассация тартибида кўриб чиқилмас эди, ҳозир эса кейинги қабул қилинган янги қонунга кўра, апелляция тартибида кўрилган ишгина кассация тартибида кўрилиши мумкин.

Кассация инстанция ноқонуний тарзда чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижро этилишининг олдини олиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради. У ишда иштирок этадиган шахсларнинг шикоятига ёки протестига мувофиқ судловда йўл қўйилган хатоларни тугатиш имконини беради, қуйи турувчи судларнинг иш сифатини оширишга ва суд амалиётини қонун талабларига монанд йўналтиришига кўмаклашади.

Апелляция билан кассация ўртасидаги фарққа тўхталиб ўтадиган бўлсак агар апелляция тартибида иш юритишнинг вазифаси моддий ва процессуал қонунчиликка риоя қилиш, уни ижро этиш ва қўллашга доир қуйи турувчи судлар амалиётининг шаклланишига таъсир кўрсатиш учун биринчи инстанция судида йўл қўйилган хатоларни тугатишдан иборат бўлса ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, кассация тартибида иш юритиш эса бузилган ҳуқуқларни, қонунийликни ва адолатни тиклашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда кассация инстанцияси суди сифатида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўрилади.

Кассация тартибида иш юритиш - суд фаолиятини текширишнинг ва судлов амалиёти устидан раҳбарлик қилишнинг 186 муҳим воситасидир. Ушбу инстанция судлари қонунни тўғри қўллашга асосланган ҳолда, ана шу яхлитликни таъминлаш йўналишида суд амалиёти устидан раҳбарликни амалга оширадилар.

ЖПКнинг 499-моддасига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришга бўлган ҳуқуқ маҳкумга, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига, жабрланувчи ҳамда унинг вакилига тегишлидир ва ушбу кодеснинг 506-моддасига кўра, кассация шикояти, протести кассация инстанцияси судига у келиб тушган кундан эътиборан икки ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Бу муддат ишнинг мураккаблиги ёки ҳажми катталиги туфайли, шунингдек бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлганда эса, кассация инстанцияси судининг ажрими билан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Шунингдек,

Кассация тартибида иш юритиш моҳиятининг асосий қоидалари қуйидагилар билан белгиланади:

1. Кассация тартибида иш юритиш муайян вақт доирасида амалга оширилади: шикоят берилган пайтдан бошланади ва ажрим қабул қилинган пайтда тугайди.

2. Кассация тартибида иш юритиш ўз субъектлари доирасига эга.

3. Процессуал хатти-ҳаракатлар ўзига хос амалга ошириш тартибига эга²⁴⁵.

Ишларни кассация тартибида кўришлик ноқонуний, асосланмаган ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижро этилишининг олдини олиш, суд ва тергов хатоларини тuzатиш, бундай хатоларга бошқа йўл қўймасликка кўмаклашиш имконини беради ва бу билан одил судловнинг мақсадлари ва вазифалари амалга ошишини таъминлайди. Кассация тартибида иш юритишда, судлар иш бўйича йўл қўйилган хатоларни, қоидабузарликларни ва уларнинг сабабларини аниқлайдилар; уларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берадилар; кассация шикоятларини, протестларни етарли асослар бўлганда асослаган ҳолда рад этадилар, бу билан судлов ва тергов амалиётида қонуннинг бир хилда қўлланилишига,

²⁴⁵ Рыжаков А.П. Уголовный процесс: Учебник для вузов. - М.: ПРИОР, 1999. - С. 486.

қонунга қатъий риоя этилишига кўмаклашадилар.

Кассация инстанцияси, энг аввало, мазкур босқич олдида турган муайян вазифаларни бажаришга, биринчи инстанция судида ва жиноят процессининг ундан олдинги босқичларида йўл қўйилган қоидабузарликларни аниқлаш ва тузатишга даъват этилган.¹

Кассация тартибида иш юритишнинг аҳамияти қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят берилиши, протест келтирилиши ва уларнинг текширилиши - жиноят иши бўйича иш юритишда шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланишининг кафолати экани билан белгиланади. Шунингдек ҳукмлар устидан кассация тартибида шикоят берилиши - жиноят судлови жараёнида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишининг воситасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нейматов, Жасур. "Методологическая основа и требования к тактическим приемам проведения допроса участников уголовного судопроизводства." in Library 20.1 (2020): 56-57.

2. Жасур, Н. Е. Ъ. М. А. Т. О. В., and Феруза СИДИКОВА. "ЖИНОЙИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ЖАРАЁНИДА СЎРОҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ." ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ 1.1 (2020): 95-103

З.Б.ЗАФАРОВА (ЙУЛДОШЕВА)^{246 247}

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛИНИ УЗВИЙ ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

President of the Republic of Uzbekistan Sh. In recent years, Mirziyoyev has been paying serious attention to reforming the education system, radically improving the quality of training, in particular, the application of the experience of developed countries in the system, the teaching of foreign languages. Today, our country is firmly on the path of

²⁴⁶ Уголовный процесс: Учебник для вузов./ Под ред.В.П.Божьева. Изд. 2-е, испр. и доп.

М -; Спарк, 2000. - С. 405.

²⁴⁷ Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети "Хорижий тил ва адабиёти" факультети магистранти